



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
КЕЛАЖАГИ  
БҮЮК  
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 19 август, № 164 (6858) Шанба

Сайтмига ўтish учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АҲОЛИГА ЯНАДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Бекобод шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари ташрифини «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятидан бошлади.

Мамлакатимизнинг энг йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган ушбу комбинатда қора металл парчалари ва чиқиндилар қайта ишланиб, тайёр прокат маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Президентимиз корхонанинг махсус цехлари фаолияти билан ақиндан танишди.

Корхонада катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Умумий қиймати қарийб 635 миллион долларлик олтинга лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Қора металл парчалари ва чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаси — шулардан бири. Мазкур лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушган, 138,2 минг тонна қора металл маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имкониятини беради, қарийб 3 минг иш ўрни яратилади.

Амалга ошириладиган лойиҳалардан бирига биноан, пўлат эритиш ва қуйиш мажмуасини қуриш ва иссиқ ҳолатда пўлат листлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Мазкур лойиҳани икки босқичда бажариш мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

Яқинда Олмалик шаҳрида бўлди. Олмалик ва Бекобод металлургия шаҳри ҳисобланади. Улар Тошкент вилоятининг sanoati ривожланган ҳудудларидан. Шундай экан, иккала шаҳарни ҳам бирдек ривожлантиришимиз, бу ерда яшаётган аҳолини рози қилишимиз керак. Бу борада икки шаҳар ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қиламиз. 2017 йилнинг 1 сентябидан 2018 йилнинг шу давригача иккала шаҳарнинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб борамиз. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шаҳарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаёт-

ган барча шароитлар инobatта олинади. Янги корхона ишга тушадими, янги иш ўрни яратиладими, барчасини эътиборга олиб борамиз. Бу каби соғлом рақобат икки шаҳарнинг жадал ривожланишида муҳим роль ўйнайди, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш — энг катта масала.

Биз ёшларга мактабгача таълим муассасасидан бошлаб замонавий таълим беришимиз, уларни муносиб тарбиялашимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Бекобод шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли «Шудринг» номли 5-мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди. Болаларга яратилган шароитлар билан танишди.

Тошкент вилоятида мактабгача таълим муассасаларининг бугунги ҳолати ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Тошкент вилоятида 406 мактабгача таълим муассасаси фаолият юритилмоқда. Уларга 61 минг 755 бола қамаб олинган.

Давлатимиз раҳбари Бекобод шаҳри мисолида богча ёшидаги болаларни тўлиқ мактабгача таълим муассасаларига қамаб олиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Бунда хусусий боғчаларга кенг ўрин бериш керак.

Мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантиришга қўйилаётган давлат талабларининг асосий йўналишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бунда болаларнинг jismoniy ривожланиши, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиши, ижодий-эстетик қобилияти, дунёқарашини бойитиш, нутқини ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи давомида мунтазам равишда аҳоли билан мулоқот қилиб, одамларнинг турмуш шароити билан қизиқди, уларни қийнаётган масала ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратади.

Бекобод шаҳридаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Металлургия-мадд» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан учрашувда ҳам бу ўз ифодасини топди. Ширкатга қарашли 8 кўп қаватли уйдан 234 хонадонда 750 дан орტიқ аҳоли истиқомат қилади. Уйларнинг том қисми таъмирдан чиқарилган, ертўласидаги эски қувурлар тўлиқ алмаштирилган, уйларга рақамли замонавий эшиклар ўрнатилиб, кузатув камералари билан жиҳозланган. Бу ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилмоқда. Уйлар атрофида замонавий болалар майдончалари қурилган.

Аммо ҳудуд аҳолисини қийнаб келаятган муаммолар ҳам етарли. Яъни уйларда иссиқлик тизими ишламайди. Бундай ҳолат нафақат ушбу ширкат, балки қарийб бутун Бекобод шаҳрига хос. Тоза ичимлик суви таъминоти ҳам аҳолини қийнаётган муаммолардан. Ичимлик суви мавжуд бўлса-да, сифати талабга жавоб бермайди.

Президентимиз Навоий вилоятидаги «Ariston Thermo — UTG» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган газ иситиш қозонларини лизинг асосида уйларга ўрнатиш кераклигини таъкидлади.

Барча ишларимиз халқни рози қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун Бекобод шаҳридаги иссиқлик тизими билан таъминланмаган барча кўп қаватли уйларни индивидуал газ иситиш қозонлари билан таъминлаймиз, унга сарфланмаган зарур маблағлар ажратамиз. Хонадонларнинг ўрнатилмаган газ иситиш қозонлари аҳолига лизинг асосида берилди.

Халқимиз олдида қарзимиз кўп, деди Президентимиз маҳалла аҳли билан учрашувда. Уларнинг дардини эшитиш, муаммоларини ҳал қилиш учун янги тизим жорий этилди. Яъни ҳар бир туман-шаҳарда ҳоким, прокурор, солиқ бўлими бошлиғи, ички ишлар бўлими раҳбари ҳудудларга бўлиниб, муаммоларни ҳал қилади. Улар ўзига қарашли ҳудуддаги ҳар бир хонадонга кириб муаммоларини ўрганади, богча, мактаб,

шифоҳона ва бошқа муассасалар фаолиятидаги камчиликларни ҳал этишга кўмаклашади. Ҳар уч ойда бир марта Президентга ҳисобот беради.

Одий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истайди. Уларга бугун яхши шароит ярати беришимиз керак. Барча амалга ошираётган ишларимиздан кўзланган мақсад-муддо ҳам шу, деди Шавкат Мирзиёев. Бугун эришаётган ютуқларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлиги самарасидир. Биргаликда фидойилик билан ишласак, бундан-да катта ютуқларга эришамиз.

Одамларнинг яхши яшашини учун қулай шароит яратиш, зарур ҳаётий воситаларга бўлган эҳтижини тўла қондириш, иш билан таъминлаш — демография ўсиш суръати юқори бўлган мамлакатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолиси 32 миллион 345 мингдан ошди. Аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Буни Бекобод шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда шаҳар аҳолиси 90 мингдан зиёд. 2035 йилга бориб, унинг нуфуси 110 мингга етиши кутилмоқда. Бу ўз-ўзидан «демографик ўсиш» талабларини бажаришни тақозо этади.

Ҳўш, бу вазифа қандай ва ниманинг ҳисобига бажарилади? Президентимиз Бекобод шаҳрининг 2035 йилгача мўлжалланган бош режаси тақдиротида асосий эътиборни айтиш масаласига қаратади.

Қайд этилганидек, аҳоли турмуш фаровонлиги — меҳнат бозоридagi вазиятни барқарорлаштириш, бандлик соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматларини такомиллаштириш, шаҳар инфратузилмасини тубдан янгилаш, кичик саноат зонаси фаолиятини йўлга қўйиш сингари муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш билан таъминланади.

Хусусан, 2017-2018 йилларда умумий қиймати 3,8 триллион сўмлик 179 лойиҳа амалга оширишга татбиқ этилиб, қарийб 5 минг аҳоли доимий иш жойига эга бўлади.

Янги мавзёлар қурилади, кўп қаватли уйлар қад ростлайди.

Уйлар Ўзбекистон металлургия комбинати ва Бекобод цемент заводи ишчилари учун тижорат банкларининг кредити ҳисобидан қурилади. Ҳар йили ўртача 1 минг 200 хонадон фойдаланишга топширилади. Мавзедagi биринчи уйларни бир йилдан сўнг, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур уй-жойлар атрофида боғ яратиш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш объектлари қуриш, бир сўз билан айтганда, мўъжаз шаҳарча барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди. Шаҳарчани тез ва қисқа фурсатда бунёд этиш кераклигини таъкидлаб, уни «Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви», деб номлашни таклиф қилди.

Бекобод шаҳрида жорий йилда ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган етти қаватли иккита уй қурилмоқда. 2018 йилда худди шундай яна 10 кўп қаватли уй-жой барпо этилиши режалаштирилган. Шаҳар марказий шифохонаси биноси 1964 йилда қурилган, бугунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган. 2017-2018 йилларда бу ерда 12 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилади. Бир миллион долларлик тиббий жиҳозлар келтирилиши кўзда тутилмоқда.

Аҳолига янада кенг қулайлик яратиш мақсадида Тошкент — Бекобод йўналишида электрчиқа қатновини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Халқимизда «кадрлаган — қадр топар» деган нақл бор. Хотирлаш эса ҳаётдан кўз юмганларни эслаш ва уларнинг ҳақиқатга хайрли дуолар қилишдир. Президентимиз Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Мухтор Миркомилоннинг турмуш ўртоғи бевақт вафот этгани муносабати билан ўтказилаётган таъзия маросимида иштирок этиб, хонадон эгаларига чуқур ҳамдардлик билдирди, сабр-тоқат тилади. Мутасадди раҳбарларга бошига мусибат тушган ушбу оилага кўмак кўрсатиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Инсонларнинг дарду ташвиини уйлаб яшаш одамлигининг энг олий мезонидир. Президентимизнинг ушбу теран маъноли сўзлари ҳаётимиздан тобора кенг ўрин эгалламоқда. Давлатимиз раҳбарининг амалий фаолиятида, ташаббус ва таклифларида бу ҳақиқат аққол намойён бўлмоқда. Бу Бекобод шаҳар аҳолиси вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам яна бир бор ўз ифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида «Металлургия» маданият саройида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ва Бекобод шаҳри фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари аҳоли билан мулоқотнинг муҳим тизимига айлангани, турли масалаларга ўз вақтида ечим топilib, одамларни рози қилаётгани таъкидланди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тарққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Аҳолига барча зарур шароитларни яратиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тadbirkorликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

У.А.

А. АБДУЛЛАЕВ олгон сурат.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ҚАРОИ

## ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148-сонли Фармони асосида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаа, кутубхоначилик, ахборот-ресурс соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мавжуд ҳуқуқий-норматив ва моддий-техника базасини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг бозор муносабатларига хос усулларини кенг қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг тузилмалари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тузилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг шартнома асосидаги ажратмалари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини сақлаш, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши инobatта олинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Чўлпон номидаги наشريят-матбаа ижодий уйи, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти давлат корхонаси давлат кўчмас мулки объектларида ижара тўловисиз жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги «Тонг юдузи» ва «Класс!» газеталари ҳамда «Гулхан» ва «Ғунча» журналларини нашр этиш билан боғлиқ харажатларнинг мазкур нашрлар ўз даромадлари билан таъминланмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрлари доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уйда жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда, ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва фаолият йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан қилиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 17 август







# ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 26 йиллигини юртдошларимиз шоду хуррамликда, юксак меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишмоқда. Жумладан, август ойининг учинчи яқшанбасини “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво флоти куни” сифатида кенг нишонлайдиган Миллий авиакомпаниямиз ҳодимлари қўшалок айёмни ўзига хос совға билан қаршилашаётир.

Ҳал шундаки, яқинда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси томонидан “Boeing-767 Full-flight” симулятори (FFS) ишга туширилди.



асосий логистика марказлари билан боғламоқда.

Аэропорт юкларни қабул қилиш, вақтинчалик сақлаш, экспорт ҳамда импортга жўнатиш бўйича транспорт хизматлари қўламини қоплаш бўйича ҳам энг йирик базадир.

“Ўзаэронавигация” марказининг юқори маалаки авиадиспетчерлари томонидан доимий назорат қилиб борилади.

## Талаб ва таклиф асосида

Ўзбекистон фуқаро авиацияси авиаташуварлар бозоридаги талаб ва вазиятга қараб имкониятидан самарали фойдалана олади. Энг муҳими, у мустақил равишда ўз самолётларини сифатли ва учишга яроқли ҳолда бўлишини таъминлашга қодир. Авиакомпаниямизнинг “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонасида “Boeing”, “Airbus”, “Ил-62”, “Ил-76” ва “Ан-2” самолётларини бўйшдан тортиб капитал таъмирлашга бўлган барча жараён маҳаллий мутахассислар томонидан бажарилди. Ўтган йилнинг бошида эса “Uzbekistan Airways Technics”да “Боинг” тижорат самолётлари корпорацияси билан ҳамкорликда Композит материаллар таъмирлаш маркази фаолияти йўлга қўйилди. Композитлар келажакдаги авиация қурилиши учун муҳим материал эканлигини инобатга олсак, бу жуда муҳим воқеа.

# МУСАФФО ОСМОН УЗРА ИШОНЧЛИ ПАРВОЗ



## Янги мажмуа — янги имконият

“Boeing-767 Full-flight” симулятори (FFS) “Canadian Aviation Electronics” (CAE) компаниясининг энг сўнгги ишланмаси ҳисобланади. Ушбу қурилма замонавий компьютер таъминоти, ҳаракатли ва визуал тизимлар билан жиҳозланган. Унда парвоз давомидаги турли ноодатий ҳолатларни худди ерда ҳамда ҳаводаги каби синаб кўриш мумкин. Масалан, юқори сифатли тасвирларни кўрсатиш учун жаҳон саноят стандартлари асосида ишлаб, чиқилган визуал тизим учувчиларга ностандарт ва мураккаб вазиятларни машқ қилиш, компьютер тизимига ўрнатилган аэропортларнинг маълумотлар базаси эса Ер шарининг исталган нуқтасига парвоз этиб, дунё аэропортларида учиб ва кўниш амалиёти имконини беради.

Бошқача айтганда, янги тренажёр “Boeing-767” авиалайнери учувчиларнинг ҳақиқий кабинасидир. У олти томонлама эркин ҳаракатланувчи платформага ўрнатилган бўлиб, оғирлиги салкам 13 тоннани ташкил этади. Мазкур симулятор Миллий авиакомпаниямизга жорий йилнинг апрель ойида келтирилган эди.

Монтаж ва ўрнатиш, дастурий таъминот ҳамда тренажёр жиҳозларини сошлаш юмушлари ишлаб чиқарувчи компания мутахассислари томонидан бажарилди.

Миллий авиакомпания учувчи йўриқчилари симулятори тест синовидан ўтказиб, қабул қилганларидан сўнг, текширув натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат назорати томонидан янги тренажёрни эксплуатация қилиш ҳуқуқини берувчи сертификат тақдим қилинди. Шунингдек, мазкур тренажёрга техник хизмат кўрсатишнинг таъминлаш мақсадида канадалик мутахассислар Ўқув-машқ марказида авиакомпаниянинг 11 нафар мутахассисини ўқитиб, уларга симуляторга мустақил техник хизмат кўрсатиш рухсатномасини беришди.

Шу кунгача Миллий авиакомпаниямиз тренажёр мажмуасида “Ил-114-100” ва “А-320” авиалайнерларининг “Full-flight” симулятори ўрнатилган бўлса, янги симуляторнинг фойдаланишга топширилиши билан Ўзбекистонда учувчиларни ушбу русумдаги самолётларга, хорижий ўқув марказларини жалб этмаган ҳолда, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун мустақам база яратилди. Демак,

имконият ҳам, масъулият ҳам янада ортди.

Айни пайтда Ўқув-машқ маркази базасида учувчиларни тайёрлаш борасидаги ишлар бошлаб юборилган. Бу ерда нафақат замонавий авиация тренажёрлари, балки халқаро стандартларга мос тарзда амали ва назарий билим берувчи профессионал йўриқчи-ўқитувчилар таркиби ҳам мавжуд.

## Хавфсизлик, барқарорлик ва қулайлик

Мана, 25 йилдирки, Миллий авиакомпаниямизда ушбу тамоилларга қатъий амал қилиб келинади. Шу боис Ўзбекистоннинг миллий авиаташувчиси мустақиллигимизнинг рамзи сифатида жаҳон авиаташувчлари бозорига ўз нуфузини тобора мустақамлаётди.

Ўтган вақт давомида соҳадор бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Аэропортларнинг ер усти инфратузилмаси модернизация қилинди. Авиалайнер тубдан янгиланиб, энг сўнгги русумдаги самолётлар билан бойитилди. Янги қатновлар йўлга қўйилди, йўловчиларга хизмат

кўрсатиш имконияти кенг замонавий аэровокзаллар қурилиб, илгор технологиялар билан жиҳозланди.

2016 йилнинг сентябрь ойидан Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси “Boeing-787 Dreamliner” русумидаги “янги авлод” самолётларининг тижорий эксплуатациясини бошлади. Бунинг учун ер усти инфратузилмаси, муҳандис-техник ҳамда учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича тизимли ишлар бажарилди. Малакали янги учувчилар отряди ва “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонасида замонавий ҳаво лайнерларига бевосита техник хизмат кўрсатувчи мутахассис ва йўриқчилар тайёрланди. Бунинг самараси ўларок, Миллий авиакомпаниямиз дунё миқёсида “Boeing-787 Dreamliner” самолётларининг энг яхши эксплуатанти сифатида эътироф этилди.

Яна бир далил: Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси ўтган йилнинг декабрь ва жорий йилнинг май ойигача бўлган вақт оралиғида жажондаги “Boeing-787 Dreamliner” самолётидан фойдаланувчилар орасида уларни авиацияси эксплуатация қилишда парвозлар хавфсизлиги ва минтақамиздаги юқори таъминланган ҳолда, энг яхши натижани кўрсатди.

“Орзу лайнери”нинг қатновлари ҳақида гап кетганда, 27 июль куни юртимиз миллий авиаташувчиси тарихида илк бор “Boeing-787 Dreamliner” самолётида Тошкент — Нью-Йорк — Тошкент йўналиши бўйича тўғридан-тўғри узлуксиз парвоз амалга оширилганини айтиш жоиз. Уни пойтахтимизга қайтишда маҳаллий мутахассислар — самолёт командири Павел Маргачев, учувчилар отряди учувчи-йўриқчиси Алексей Маркин ва иккинчи учувчи Улугбек Ишмуҳаммедов бошқариб келди.

— “Орзулар лайнери”ни бошқариш ҳар бир учувчининг орузи бўлса керак, — дейди Улугбек Ишмуҳаммедов. — Миллий авиакомпаниямизда амалга оширилётган модернизациялаш тадбирлари, умуман, мамлакатимизда ушбу соҳага қаратилган энг яхши туфайли ана шундай мақсадда эришганимдан мамнунман, албатта.

Бугунги кунда юртимиз аэропортларидан парвоз қилаётган “Dreamliner”да йўловчилар Дубай,

Деҳли, Амритсар, Истамбул, Тель-Авив, Сеул, Франкфурт, Москва, Куала-Лумпур каби шаҳарларга етказиб қўйилмоқда.

## Замонавий аэропортлар — халқ хизматида

1991 йилда республикамиз ҳудудида атиги учта аэропорт мавжуд эди. Эндилқда улар сонини 11 та бўлиб, барчаси халқаро мақомга эга. Тўлиқ реконструкция ва модернизация қилинган. Ишончли ҳамда мукамал назорат техникаси билан таъминланган. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳозир юртимиздаги исталган аэропорт нафақат юқори йўловчи ўтказиш имконияти, балки ҳар қандай типдаги самолётларни қабул қилиш, кечаю кундуз ва мурак-



каб об-ҳаво шароитида ишлаш имконига эга.

Пойтахт аэропортда маҳаллий авиакатновлар учун “Тошкент-3” аэровокзали, юқори қулайликка эга “Business Lounge” учиб зали ва янги терминаллар йўловчилар хизматида.

“Навоий” аэропорти негизда ташкил этилган Халқаро интермодал логистика маркази эса минтақамиздаги юқори технология ва улкан авиакатновчи мажмуа ҳисобланади. Бинобарин, айни пайтда ушбу марказ Ўзбекистонни Евроосиёнинг Франкфурт, Милан, Вена, Осло, Базель, Сарагоса, Дубай, Деҳли, Инчөөн, Тяньзин, Ханой, Шанхай каби

## Ҳаводаги ҳаракат — доимий назоратда

Мустақиллик йилларида мамлакат фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солуви самарали, халқаро стандартларга мос ҳуқуқий асос яратилди. Ўзбекистон Фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солуви амалдаги деярли барча халқаро ҳужжатларга қўшилиб, Миллий авиакомпаниямиз “IOSA” операторларининг расмий реестрига киритилди. Халқаро экспертлар таъкидлаганидек, Ўзбекистонда жаҳон стандартларининг асосий қоидаларини ўзида мужассамлантирган сифатли авиация қонунчилиги амал қилмоқда.

Шу билан бирга, Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш (ХҲБ) тизи-

ми ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ягона, мақсадли сиёсат амалга оширилди. Аэропортларда бошқаришнинг замонавий марказлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимида Ўзбекистон ҳаво кенгликларидан фойдаланувчилар қўламини кенгайтириш ва парвозлар хавфсизлигини янада ошириш имконини берувчи “RVSM” (вертикал эшелонлашнинг қисқартирилган минимуми) ва “QNH” (бутунжаҳон парвоз баландини ҳисоблаш) янги тизимлари жорий этилди. Улар ёрдамида осмонимизда ҳаракатланаётган ҳар бир авиалайнер

ва шарт-шароитлар парвозлар географиясини, хизматларни сотиш тармоғини кенгайтириб, юк ташиш ҳажмини оширишда қўл келаяпти. Мисол учун, 1992 йилда авиакомпаниянинг хорижда 7 та вокзалга хос мавжуд эди. Бугунги кунга келиб, улар 40 дан ортди.

Бундан ташқари, Миллий авиакомпаниямизда “IATA”, “ICAO” каби ташкилотлар махсус дастурлари бўйича фаол иш олиб боришмоқда. Айни пайтда “Тошкент — Шарқий” аэродроми базасида замонавий аэропорт мажмуасини қуриш бўйича лойиҳа амалга ошириляётгани, “Boeing” корпорацияси билан яна 4 та “Boeing-787 Dreamliner” самолётини сотиб олиш бўйича шартнома имзолангани, шунингдек, нуфузли авиация альянсларига аъзо бўлиш режалаштирилётгани фикримиз тасдиғидир. Булар келгусида Ўзбекистон фуқаро авиациясининг жаҳон бозоридagi ўрни ва нуфузи янада мустақамлашидан далолат беради.

Миллий авиациямиз жамоаси ана шундай кўтаринки кайфиятда мамлакатимиз иқтисодий ва ички қатновни таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР АГЕНТЛИГИ

**бажарилиши 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган мақсадли амалий тадқиқотлар ва 2018-2019 йилларга мўлжалланган инновацион илмий-техникавий лойиҳалар қабулини эълон қилади.**

Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссиясининг 2017 йил 31 июлдаги 1-мажлиси баённомасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик ҳамда идоралар томонидан тақдим этилган ижтимоий соҳа ва иқтисодий тармоқларнинг талаб-эҳтиёжлари асосида шакллантирилган, долзарб муаммоларни ечишга қаратилган, «бажарилиши 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган» мақсадли амалий тадқиқотлар ва 2018-2019 йилларга мўлжалланган инновацион илмий-техникавий лойиҳалар қабули эълон қилинади.

Вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган илмий-техник муаммолар рўйхати ҳамда лойиҳага қўйилган талаблар агентлигининг расмий веб-сайти (uzscience.uz)да жойлаштирилган.

Қабул доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, ҳудудларга таширлари чоғида билдирган фикр-мулоҳаза, кўрсатма ва топшириқлари, ҳуқуқат қарорлари, мажлислари баёнлари топшириқларидан келиб чиқадиган мақсадли устувор йўналишларини, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича қўшимча муаммоларни шакллантириш ва қабул қилиш амалга оширилади.

Лойиҳаларнинг илмий раҳбарлари илмий даражага эга бўлган олимлар, профессор-ўқитувчилар ва мутахассислардан иборат бўлиши шарт.

Лойиҳалар fan-portal.uz веб-сайти орқали электрон рўйхатдан ўтказилиши лозим. Электрон рўйхатдан ўтмаган лойиҳалар қабул қилинмайди.

Электрон рўйхатдан ўтган лойиҳалар 2017 йил 15 августдан 1 октябрга қадар яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигида қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:

(0-371) 232-28-14, 232-05-33, 233-69-61, 233-24-53, 236-73-75, 233-69-23.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

### “ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ” ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун

**Лизинг 1 йилдан 5 йилгача**  
**Ижара 1 йилгача**

- қурилиш техникаси
- махсус транспорт
- қурилиш асбоблари
- технологик жиҳозлар
- кичик механизация воситалари

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли даражада тежаш имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

**2017 йил учун ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСINI ЕТКАЗИБ БЕРИШГА БУОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

»» МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР: КОМПОЗИТ АРМАТУРА ИШЛАБ ЧИКАРИШ ЛИНИЯСИ.

»» ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ХАМ ҲОЗИРГИ КУНДА МАВЖУД:

- БЕТОН ҚОРУВИ ҚУРИЛМАЛАР (ЎЗБЕКИСТОН);
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РУСУМДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛГАЛАР;
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОНҚОРГИЧЛАР.

**АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕГИРМАЛИ САВДО-СОТИК**  
Маҳсулот сертификатланган.

Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй. www.qurilish-lizing.uz E-mail: kunilish2003@mail.ru  
Тел.: (0-371) 250-73-14, 250-85-91, (+99890) 950-61-61. Тел./факс: (0-371) 250-51-04.

### Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 848 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўбемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуваин расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида териди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.05 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жоңқононов.  
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.